



ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Носиров Эгамкул,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

*“Баҳолаш иши ва инвестициялар” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент,
Тошкент, Ўзбекистон*

IMPACT OF INVESTMENTS ON INCREASING ENERGY EFFICIENCY

Nosirov Egamkul,

PhD, head of the department "Valuation and Investments"

Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: E62, G30, L94

Аннотация. Мазкур мақолада энергия самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни аниқлашга қаратилган. Тадқиқот давомида мамлакатнинг ёқилги-энергетика баланси, иқтисодий фаолият турлари бўйича электр энергияси истеъмоли, шунингдек саноатда ишлаб чиқариш асосий воситаларининг эскириш даражаси каби кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мамлакатда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар киритиш бўйича амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқот орқали олинган маълумотлар асосида иқтисодиёт ва саноат секторларида энергия самарадорлигини ошириш йўллари белгилаб олинган, бу эса келгусида мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

Abstract. This article is aimed at

identifying the main factors affecting energy efficiency. The study analyzes indicators such as the country's fuel-energy balance, electricity consumption by types of economic activities, and the degree of obsolescence of the main means of production in industry. In addition, practical recommendations for investing in increasing energy efficiency in the country have been developed. This research provides data-based methods for enhancing energy efficiency in the economy and industrial sectors, which will contribute to the sustainable development of the country's economy in the future.

Калим сўзлар: инвестициялар, энергия самарадорлик, «яшил» иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш, ёқилги-энергетика баланси, кредит, субсидия.

Keywords: investments, energy efficiency, green economic growth,

sustainable development, fuel and energy balance, credit, subsidy.

Кириш. Бугунги кунда энергия самарадорлигини таъминлаш масаласи глобал миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан бирига айланди. Энергия самарадорлигини ошириш ҳукуматларга бир пайтнинг ўзида мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлаш, энергияни ишлаб чиқаришнинг янги усуллари кўллаш орқали табиатга зарарли таъсирларни камайтириш ҳамда саноатда рақобатбардошликни ошириш эвазига энергетика сиёсатидаги асосий мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Энергия самарадорлигини таъминлашга инвестиция киритиш келажакда энергияга бўлган талабнинг қисқариши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли иқтисодиётда энергия тежамкорлигини таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга. **Материал ва метод.** Энергия самарадорлигини ошириш борасида бир қатор маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, мазкур йўналишдаги изланишлар натижасида муаллифлар томонидан куйидаги зарур хулосалар шакллантирилган.

Замонавий иқтисодиётда шундай тушунча юзага келдики, энергия ресурслари иқтисодиёт ривожланишининг чегараларини белгилайди. Бу эса, энергияни тежаш масалаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига ва энергия самарадорлигини ошириш иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида қарашга олиб келди [1].

Энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш – турли мамлакатлар энергия стратегиясининг долзарб йўналиши ҳисобланади. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш – атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ҳамда тармоқларни инновацион ривожлантириш салоҳиятини ошириш имконини беради [2].

Иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш давлат, бизнес ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, энергия самарадорлигини оширишнинг макроиқтисодий ва сиёсий натижалари кўпроқ давлат тузилмаларига, бизнес вакиллари учун – иқтисодий, аҳоли ва жамият учун – экологик ва хусусий-хўжалик масалалари кўпроқ қизиқиш уйғотади [3].

Энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларга кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан сармоя киритиш ҳам экологик, ҳам иқтисодий сабабларга кўра катта муаммо ҳисобланади. Маълум бир тўсиқлар кўпинча бундай чора-тадбирларга инвестиция киритишни қийинлаштиради. Бунда давлат

томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодий тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради [4].

Тадқиқотнинг методологик асосини энергия самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ назарий ва амалий ёндошувлар ўз ичига олади. Илмий изланиш жараёнида иқтисодий ҳодисаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини очиб берувчи диалектика усулидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида изланиш объектига тизимли ёндошув сифатида гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез усулларида фойдаланилди.

Натижалар. Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)нинг 7-йўналиши «Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш» [5]га қаратилган. Мазкур мақсад бошқа БРМга эришишнинг калити ҳисобланади. Чунки, энергия ресурслари ва уларнинг таъминоти билан боғлиқ муаммолар глобал муаммолар сирасига киради. Мутахассислар фикрига кўра, энергия самарадорлигини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишларда қўллаб ижобий ўзгаришлар ва натижаларга эришишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича изланишлар олиб боришда, аввало энергия ресурсларини яратадиган манбаларга тўхталиб ўтиш зарур бўлади. Бошқа

давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз энергия таъминотида табиий газ мутлақ устунлик қилади. Сўнгги йилларда мамлакат умумий энергия ва электр таъминотининг қарийб 85 фоизи табиий газ ҳисобига таъминланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида газ энергия таъминотининг асосий манбаи ҳисобланади. Халқаро Энергия Агентлиги (IEA) экспертларининг баҳолашларига кўра, «Ўзбекистон ҳукумати 2025 йилгача табиий газ экспортини тўхтатиб, келажакда уни нефт-кимё ишлаб чиқариши ва ички энергия таъминоти учун ишлатишни режалаштирмоқда. Бироқ, табиий газ ҳозирги суръатларда ишлатладиган бўлса, мамлакатда газ захиралари 20 йилдан камроқ вақт ичида тугаши мумкин. Мамлакат ҳукумати табиий газга бўлган талаб 2030 йилга бориб 30 фоизга ошишини ва у 65 млрд м³ гача етишини башорат қилмоқда» [6]. IEA экспертлари баҳолаш хулосаларига таяниб иш кўрадиган бўлсак, мамлакатимизда энергия таъминоти ва электр энергиясини ишлаб чиқаришда табиий газга боғлиқликни камайтириш, қайта тикладиган энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, энергиядан самарали фойдаланиш ва энергияни тежаш юзасидан мақсадли, давомли ва тизимли чоратadbирларни амалга ошириш зарур бўлади.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилги ёқилғи-энергетика баланси
(1000 тонна нефт эквиваленти ҳисобида) [7]**

Кўрсаткичлар	Кўмир	Табиий газ	Нефт, ш.ж., газ конденсати	Бензин, дизел, керосин, мазут, кокс	Сиқилган углеводород газ	Нефт маҳсулотлари бошқа турлари	Электр энергияси	Иссиқлик энергияси	Жами
Ишлаб чиқариш	1517,3	42498,8	2921,8	-	-	-	595,0	-	47533,0
Импорт (+)	991,3	1756,0	451,1	794,5	1365,3	375,3	427,9	-	6161,4
Экспорт (-)	-24,5	-3430,6	-0,1	-208,1	-97,7	-61,0	-232,4	-	-4054,3
Қолдиқлар ўзгариши (+,-)	67,7	-855,0	5,1	166,6	4,5	-	-	-	-611,1
Бирламчи энергия бўйича умумий таклиф (=)	2551,8	39969,3	3377,9	753,0	1272,1	314,2	790,6	-	49028,9
Йўқотишлар	-1,0	-3748,2	-19,9	-3,0	-0,5	-	-290,6	-126,1	-4189,3
Умумий истеъмол	755,1	21404,3	-	3059,8	2217,6	426,8	4868,6	2067,3	34799,4
- Саноат тармоғи	162,7	5259,9	-	255,9	157,6	12,3	1833,5	32,6	7714,6
- Транспорт тармоғи	3,4	4180,3	-	2266,9	506,3	-	120,5	-	7077,4
- Бошқа тармоқлар	589,0	11397,9	-	536,86	1552,6	62,6	2914,6	2034,7	19088,2
шу жумладан, аҳоли	273,2	9422,0	-	1,0	428,8	-	1502,2	1163,2	12790,4
- Ноэнергетика соҳаларда ишлатиш	-	566,2	-	-	1,1	351,9	-	-	919,2

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизнинг 2022 йилги ёқилғи-энергетика балансида бирламчи энергия бўйича умумий таклиф 49,03 млн тонна нефт эквивалентига яқин бўлиб, шундан 39,97 млн тонна нефт эквиваленти ёки бирламчи энергия бўйича умумий таклифнинг 81,5 фоизи табиий газ ҳисобига тўғри келмоқда. Мамлакатимизнинг 2022 йилдаги ёқилғи-энергетика балансида умумий истеъмол қилинган ёқилғи ва энергиянинг миқдори қарийб 34,8 млн тонна

нефт эквивалентига тенг бўлган. Хусусан, истеъмол қилинган ёқилғи ва энергиянинг 36,7 фоизи аҳоли, 22,2 фоизи саноат, 20,3 фоизи транспорт, 2,6 фоизи ноэнергетика соҳалари ва 12,8 фоизи бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келган.


Шу ўринда қайд этиш жоизки, табиий газ ҳисобига шакллантирилган ёқилғи ва энергиянинг умумий миқдори 21,4 млн тонна нефт эквивалентига тенг бўлиб, табиий газ истеъмолида аҳолининг улуши 44,0 фоизни, саноатнинг улуши 24,7 фоизни, транспорт соҳасининг улуши 19,3

фоизни, но энергетика соҳаларининг улуши 2,7 фоизни ва бошқа тармоқларнинг улуши 9,3 фоизни ташкил этган. Бу борада алоҳида эътибор қаратиш керак бўлган ҳолат шундан иборатки, истеъмолчиларга ёқилғи ва энергия ресурсларини етказиб беришда йўқотишлар мавжуд бўлиб, мамлакатимизда 2022 йилдаги йўқотишлар миқдори 4,19 млн тонна нефт эквивалентига тенг бўлиб, бу бирламчи таклиф этилаётган ёқилғи ва энергиянинг 8,5 фоизини ташкил этган.

Шунингдек, электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб беришдаги йўқотишлар 36,7 фоизни ёки 290,6 минг тонна нефт эквивалентига тенг бўлган. Мазкур кўрсаткични бошқа давлатлар билан таққослайдиган бўлсак, бу жуда катта йўқотиш эканлигига амин бўламиз.

Масалан, «Бугунги кунда Россияда электр энергиясининг умумий йўқотишлари тахминан 10%, Канадада - 6,3%, Японияда - 5%, Германияда - 7,6%, АҚШда - 6,5%,

Финляндияда - 6,7%, аммо Норвегияда - 16,3%ни ташкил этмоқда» [8].



1-расм. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг эскирганлик даражаси (йил охирига воситалар жами қийматидан фоизда) [7]

Юқорида қайд этиб ўтилган асосларга таянган ҳолда эътиборимизни мамлакатимиз

миқёсида саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг эскириш даражаси таҳлилига қаратамиз (1-

расм). Расмда келтирилган маълумотлардан кўринадик, республика саноат тармоқларида асосий воситаларнинг эскириш даражаси юқори бўлган. Хусусан, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондитциялаш саноат тармоғида асосий воситаларнинг эскириш даражаси 2019 йилда 40,1 фоизни, 2020 ва 2021 йилларда мос равишда 31,5 ва 30,2 фоизни, 2022 йилда эса, мазкур кўрсаткич 38,2 фоизни ташкил этган.

Энергетика саноат тармоғидаги асосий воситалар эскириш даражасининг юқорилиги мазкур саноат тармоғида техник

йўқотишларнинг катталиги билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Бундан ташқари, мамлакатнинг 2022 йилги ёқилғи-энергетика балансида истеъмол қилинган электр энергиясининг 30,8 фоизи аҳоли ҳиссасига тўғри келиши ҳамда аҳолининг қарийб 98 фоизи фойдаланилган 1 кВт соат электр энергияси учун охириги беш йил мобайнида 295 сўмдан нарх тўлаши энергетика соҳасидаги корхоналар асосий воситаларини модернизациялаш учун инвестициялар киритишга тўлақонли имкон бермади.

2-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича электр энергияси истеъмоли (млн. кВт/соат) [7]

Кўрсаткичлар	2001 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Жами ¹⁾	48454,8	47384,2	50807,7	56368,6	69021,1	74951,7	76543,3
Саноат	18791,2	17897,2	18117,7	20811,4	18284,3	18683,3	21324,1
Қурилиш	129,8	164,8	199,0	341,3	1448,0	1566,0	1072,3
Қишлоқ хўжалиги	14753,9	13693,4	8607,4	9031,2	9202,4	9644,5	6870,3
Транспорт	1226,3	1372,6	1207,9	1166,3	1058,0	1122,3	1401,1
Тижорат корхоналари ва давлат идоралари	1783,7	1551,8	2243,3	3451,6	5238,9	7483,9	7175,3
Аҳоли	4411,3	4652,7	11449,3	12548,7	15549,5	15461,8	17470,8
Бошқа соҳалар	-	-	-	-	1170,0	1670,0	1265,0

¹⁾Ишлаб чиқаришдаги, тақсимлашдаги ва электр энергиясининг қайта ўзгаришдаги сарфни қўшган ҳолда

2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган

бўлсак, мамлакатимизда 2001 йилда жами 48454,8 млн. кВт/соат электр

энергияси истеъмол қилинган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича электр энергияси истеъмолига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, унда саноатнинг улуши 38,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳасининг улуши 30,4 фоиз, аҳолининг улуши 9,1 фоиз, тижорат корхоналари ва давлат идораларининг улуши 3,7 фоиз, транспорт соҳасининг улуши 2,5 фоиз ва яқунда қурилиш соҳасининг улуши 0,3 фоизни ташкил этан. Мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли борасидаги худди шу ҳолатни 2015 йил билан таққослайдиган бўлсак, бу борада биз янги тенденциялар пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, 2015 йилда республикада жами 56368,6 млн. кВт/соат, 2001 йилга қараганда эса, 7931,8 млн кВт/соат электр энергияси кўп истеъмол қилинган. 2015 йилда истеъмол қилинган электр энергиясининг 36,9 фоизи саноат, 22,3 фоизи аҳоли, 16,0 фоизи қишлоқ хўжалиги, 6,1 фоизи тижорат корхоналари ва давлат идоралари, 2,0 фоизи транспорт соҳаси ва 0,6 фоизи қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келган. Мамлакатимизда 2022 йилда истеъмол қилинган электр энергияси 76543,3 млн. кВт/соатни ташкил этган. Агар мазкур кўрсаткични 2001 йил билан таққослайдиган бўлсак, электр энергияси истеъмоли қарийб 58 фоизга ёки 28088,5 млн. кВт/соатга

ошган. Бунда саноатнинг улуши 27,9 фоиз, аҳолининг улуши 22,8 фоиз, тижорат корхоналари ва давлат идораларининг улуши 9,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳасининг улуши 9,0 фоиз, транспорт соҳасининг улуши 1,8 фоиз ва яқунда қурилиш соҳасининг улуши 1,4 фоизни ташкил этан. Электр энергиясини истеъмол қилиш ҳажмининг ўзгариши аҳоли сонининг ортиши ва турмуш даражасининг ўсиши, хусусий бизнеснинг ривожланиши ҳамда қурилиш соҳасида ишлар ҳажмининг кўпайиши билан изоҳланади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг 10 июлида «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4779-сонли қарори [9] қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ 2020-2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари қабул қилинди.

Мақсадли параметрларга кўра иқтисодиёт тармоқларида:

- 3,3 млрд кВт/соат электр энергияси;
- 2,6 млрд м³ табиий газ;



- 16500 тонна нефт маҳсулотларини тежаш белгиланди.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қарор билан саноат тармоқларида катта ҳажмда электр энергияси истеъмол қилувчи корхоналарнинг энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни тежаш юзасидан «йўл харита» қабул қилинди. Шунингдек, 2021-2022 йилларда йиллик истеъмоли 2000 тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки 1000

тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналар мажбурий энергия аудитидан ўтказиладиган бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4779-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбалари белгиланди (2-расмга қаранг).

давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига нефт-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналарининг соф фойдасидан 5 фоиз миқдордаги ўтказмалар

энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун корхоналарга қўлланиладиган оширилган тарифлардан тушумлар

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган иқтисодий санкциялар суммасининг 20 фоизи

кредитлар бериш ва жамғарманинг бошқа молиявий-хўжалик фаолиятдан олинган фойда

ҳалқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳамда донор ташкилотлари маблағлари

жамғарма активларини бошқариш, шу жумладан бўш маблағларни банк муассасаларида депозит сифатида жойлаштиришдан олинган даромадлар

тузилган шартномага мувофиқ молиявий қўллаб-қувватлашдан олинган фойданинг бир қисми (кўрсатилган хизматлар суммасининг йигирма беш фоизигача)

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар

2-расм. Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сонли қарори асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағларидан лойиҳа ташаббускорлари, яъни жисмоний ва юридик шахсларга бинолар ва кўп қаватли уйларда энергия самарадорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқиш бўйича стартап лойиҳаларни молиялаштириш, шаҳар транспортининг ёқилғи-энергетика самарадорлигини яхшилаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда энергия аудитини ўтказиш учун энергиясамарадорлик борасида аниқ натижаларга эришиш мақсадида лойиҳаларни молиялаштириш учун тақдим этилиши кўзда тутилган. Жамғарма томонидан молиявий манбаларни тақдим этиш шакли корхона устав капиталида улуш қўшиб қатнашиш, кредит, субсидия ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

Энергия тежамкорлиги борасида юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, мамлакатимиз

иқтисодиётининг ўсиши, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши, аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация жараёнларининг кучайиши ва бошқа омиллар таъсирида энергияга бўлган талаб янада ошиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда, республикаимиздаги барча иқтисодиёт субъектлари (юридик шахслар) ва уй хўжаликлари (жисмоний шахслар)да энергия самарадорлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бирига айланиши шарт - деб, ҳисоблаймиз. Бунинг учун иқтисодиёт субъектлари ва уй хўжаликларида энергия самарадорлигини таъминлаш имкониятлари ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Иқтисодиёт субъектлари энергия самарадорлигини таъминлаш борасида бозор, иқтисодий, ижтимоий, техник ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланишлари зарур бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Энергия самарадорлигини таъминлаш имкониятлари

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Қандай эришилади	Натижаларни баҳолаш
1	Бозор имкониятлари	Рақобат муҳити, ресурслардан самарали фойдаланиш	эришилди_қисман эришилди_эришилмади
2	Иқтисодий имкониятлар	Муомала харажатларини камайтириш, бошқарувни такомиллаштириш	эришилди_қисман эришилди_эришилмади
3	Ижтимоий имкониятлар	ОАВ ва таълим муассасаларида ижтимоий роликлар тарғиботи	эришилди_қисман эришилди_эришилмади
4	Техник имкониятлар	Инновацияларни жорий қилиш, технологияларни такомиллаштириш	эришилди_қисман эришилди_эришилмади

5	Бошқа имкониятлар	Фойдаланилмаётган имкониятларни кидириш	эришилди_қисман эришилди эришилмади
---	-------------------	---	--

Манба: Иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бозор имкониятлари қаторига инсон капитали, бино ва иншоотлар, технологик ускуналар, пул маблағлари, хом-ашё ва захираларни, иқтисодий имкониятлар сирасига корхонада муомала харажатларини камайтириш ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, техник имкониятларга эса, инновацияларни жорий қилиш ва технологияларни такомиллаштириш масалаларини киритиш мумкин. Ижтимоий имкониятлар иқтисодиёт субъектлари билан бир қаторда фуқароларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Бунда энергия таъминотининг якуний истеъмолчилари бўлган фуқаролар ўзлари яшаётган, ишлаётган, ўқиётган, даволанаётган ёки дам олаётган масканларда энергия тежамкорлигини таъминлашлари юзасидан ижтимоий масъулиятни ҳис қилишлари лозим. Аҳолининг кенг қатлами ўртасида энергия самарадорлигини таъминлаш юзасидан барча турдаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, ижтимоий роликлар орқали ОАВда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш асносида ижтимоий масъулиятни кучайтириш зарур.

Хулоса. Шунингдек, этиш жоизки, мамлакатимизда энергия самарадорлигини таъминлаш борасидаги ишлар кутилган натижани бермаяпти. Энергетика соҳасидаги корхоналарнинг рентабеллик даражаси паст бўлганлиги сабабли соҳа корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларига қарз маблағларини жалб қилиши қийин кечмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳукумат иқтисодиёт субъектлари ва уй хўжаликлари учун ягона ёндошув асосида энергия самарадорлигига мустақил энергия манбаи сифатида қарашни сингдириши зарур. Мамлакатимизда ҳар бир фуқаро тежалган энергия ресурсларининг қиймати мустақил яратилган энергия манбаига тенг - деган, тамойил асосида иш юритишга ўтиши лозим.

Энергия самарадорлигини оширишга инвестицияларнинг таъсири борасида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини таъминлаш учун ёқилғи-энергетика ресурсларининг меъёрий сарфига қатъий риоя этилишини назорат қилиш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия тежамкорлигини таъминлаш ёки энергия самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ натижаларга эришган корхоналарнинг масъул раҳбарларини молиявий рағбатлантириш ёки аксинча энергия самарадорлигини таъминламаганларга иқтисодий чоралар кўриш юзасидан зарур қоидаларни ишлаб чиқиш лозим.

2. Энергетика тармоқлари компаниялари томонидан энергия самарадорлигини таъминлашга қаратилган инвестиция ва инновация лойиҳаларини давлат томонидан субсидиялашни йўлга қўйиш лозим.

3. Айрим тадқиқот натижаларига кўра, иқтисодиётда хизматлар соҳаси улушининг 1 фоизга ошиши, энергия сарфининг 0,48 фоизга пасайишига олиб келиши мумкин экан. Шундан келиб чиққан ҳолда, энергия ресурсларига бўлган талабни мақбуллаштириш учун мамлакатимизда 2025-2030 йилларга мўлжалланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

4. Мамлакат энергетика балансини диверсификациялаш, иқтисодиётнинг табиий газ ва бошқа қазиб олинadиган ёқилғи манбаларига боғлиқлигини камайтириш ҳамда келажак авлод учун табиий бойликлар захирасини сақлаб қолиш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбаларини яратишга кўпроқ инвестициялар киритиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зарипов А.М. Повышение энергоэффективности экономики для реализации целей устойчивого развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., Казань, 2022 г., -с. -3. (-25 с.)

2. Попадьюко Н.В., Найденова В.М. Энергосбережение и повышение энергоэффективности как вектор развития мирового энергетического комплекса. Журнал Инновации и инвестиции. №5, 2020 г., -с. 91., -91-95 с.

3. Бобылев С.Н. и др. Энергоэффективность и устойчивое развитие. -М.: Институт устойчивого развития /Центр экологической политики России, 2010. –с. 25., -148 с.

4. S.Álvarez-Diez and others. Subsidies for investing in energy efficiency measures: Applying a random forest model for unbalanced samples, Applied Energy, Volume 359, 2024, 122725, ISSN 0306-2619, <https://doi.org/10.1016/j.apenergy.2024.122725>.

5. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/>

6. <https://iea.blob.core.windows.net/assets/0d00581c-dc3c-466f-b0c8-97d25112a6e0/Uzbekistan2022.pdf>.

7. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>

8. <https://www.kommersant.ru/doc/5140335>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4890081>.